

СУВ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси вилоятларида сув таъминотини яхшилашга оид лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Қорақалпоғистоннинг агросаноатдаги улкан салоҳиятини юзага чиқариш учун, аввало, сув керак. Худудда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш мақсадида 2015 йилдан буён Жаҳон банки иштирокида 260 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилди. 650 километр канал ва 556 та сув иншооти тикланиб, 5 минг гектардан зиёд ер лазер билан текисланди.

Иш самарали ташкил этилгани ва кўп нарсалар маҳаллийлаштирилгани натижасида лойиҳа қийматидан 48 миллион доллар иқтисод қилинган. Шу боис, лойиҳани давом эттириб, қолган маблағни Беруний, Туртқул ва Эллиқалъа туманларига йўналтириш таклиф этилмоқда. Бунинг эвазига яна 216 километр канал ва 406 та гидротехник иншоотни тиклаш мумкин. Натижада ҳозир насос билан сугорилаётган 300 дан ортиқ фермер хўжаликлари даласига сув ўз оқими билан келади, йилга 300 миллион куб сув иқтисод қилинади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифни маъқуллаб, сув таъминоти яхшиланидиган ерларда юқори даромадли экинлар экиш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича қўрсатмалар берди.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг туپроғи унумдор. Лекин 235 та насос станцияси эскиргани сабабли 380 минг гектар майдонда сув таъминоти оғирлашган, шундан 60 минг гектари оборотдан чиқиб кетган. Қолаверса, бу насос станцияларида электр энергияси меъёрга нисбатан 1,5-2 баравар кўп сарфланмоқда.

Шу боис, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда бу вилоятлардаги насос станцияларини модернизация қилиш режалаштирилган. Биринчи босқичда 118 та насос станциясини янгилаш мўлжалланган.

Бунинг натижасида 30 минг гектар майдон қайта фойдаланишга киритилади, 57 минг гектар сугориладиган ернинг сув таъминоти яхшиланади. 4 минг 375 та томорқа сув билан таъминланади. Йилга 290 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Энергия ва эксплуатация харажатлари қисқариши ҳисобига бу лойиҳа 7 йилда ўзини оқлайди.

Президентимиз лойиҳа доирасидаги ишларга маҳаллий тadbиркорларни кўпроқ жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ГРОССМЕЙСТЕРЛАРНИНГ ЎЙИНЛАРИ АМЕРИКАЛИК ШАХМАТЧИЛАР ЭЪТИБОРИДА



Дунёга машҳур шахмат платформаси — “Chess.com” сайтида Ўзбекистон шахмат усталарининг халқаро майдонда қайд этаётган муваффақиятларига бағишланган “Ўзбек шахмат усталарининг сирлари” номли мақола жойлаштирилди.

Давоми 2-бетда

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ЭЗГУЛИК ВА АДОЛАТ МЕЗОНИ

аёлни эъзозлаш ва гендер тенгликни таъминлашдаги ҳаётий ташаббусларнинг амалий ифодасида намоён бўлади



Мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш барчамизнинг асосий вазифамиз эканини англаб олганмиз.

Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун ҳамма имкониятларни ишга соламыз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Биз сарлавҳага олиб чиққан икки мезоннинг бош ташаббускори ва муаллифи Президентимиз бўлади. Давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида янгиланаётган Ўзбекистон ҳақида чуқур мушоҳадали теран фикрлар билдирар экан, жумладан, хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, “Аёлни эъзозлаш — эзгулик ва адолат мезони”, деган фояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аҳолиимизнинг

қарийб ярмини ташкил этадиган аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг марказига қўйилди”, деган эди.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ –

ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ



Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, фаровон жамият барпо этишни орзу қилган, инсон қадрни азиз бўлган адолатли давлат қуришни ўз олдига мақсад қилган ҳар қандай халқ давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг машаққатли ва шарафли йўлини босиб ўтганига гувоҳ бўламиз.

Аҳолининг талаб ва истақларини инobatта олган ҳолда ҳамда конституциявий қонун лойиҳасини халқимиз билан ҳар томонлама муҳокама қилиш, лойиҳани пишиқ-пuxта маромига етказиш мақсадида умумхалқ муҳокамасини ўтказиш мuddати икки марта узайтирилди. Негаки ҳар бир фуқаронинг қалбидан жой олган, унинг ҳуқуқ ва эркинлигини тўлиқ қафолатлаган халқчил Конституцияни яратиш чуқур илмий-амалий таҳлилини, мунозара, мулоҳаза ва муайян вақтни талаб қилади.

Депутатлар томонидан худудларга чиқиб, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшу кекса иштирокида қатор учрашувлар ташкил этилиб, конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, бу борадаги миллий ва халқаро даражадаги анкуманлар, давра суҳбатлари ва бошқа тadbирлар ҳам юқори савияда ташкил этилмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг муҳокамаси бўйича ўтказилган умумхалқ муҳокамаси жараёнида “1341” рақамли колл-марказ, фуқароларнинг бевосита қабули орқали, “Meningkonstitutsiyam.uz” платформаси ҳамда жамоавий тақлифлар асосида жами 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушди. Бу тақлифларнинг 56 фоизи эркаклар, 40 фоизи аёллар томонидан, 4 фоизи эса аноним тарзда билдирилган. Унда хориждаги ватандошлар юборган тақлифлар ҳам инobatта олинган ва илмий ҳамжамият иштирокида муҳокама қилиниб, Конституциявий комиссияга тақдим этилган. Энг долзарб тақлифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли қафолат яратиш лозим эканини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Бу аини ҳақиқатдир. Зеро, ҳар қандай Конституция ҳаётий бўлиши лозим, яъни у мамлакатнинг ижтимоий ва ҳуқуқий воқеаликлари, халқнинг орзу-умидлари ва келажак истиқболлиги, хусусан, замон талабига мос келиши керак.

Давлатимиз раҳбари янгиланаётган Конституциямиз “Халқ — қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифидир” ҳамда “Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади”, деган тамойилларга асосланиб ишлаб чиқилсагина, том маънода халқимиз хоҳиши-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишини алоҳида таъкидлади.

Конституциявий комиссия ўз фаолиятини айнан шу қўрсатмаларга ҳамда очиклик ва ошқоралик тамойилларига таянган ҳолда амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти, хорижий олимлар ва экспертлар ҳам янгиланаётган Конституциямизнинг асосий муаллифи ва ижодкори том маънода Ўзбекистон халқи эканини алоҳида эътироф этмоқда.

Халқ — Конституция ижодкори

Президентимиз жорий йилнинг 20 июнида Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узок

ХАЛҚО ҲАМКОРЛИК

ФРАНЦИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

қайси жиҳати билан ўзбекистонликларни ўзига тортмоқда?

Айни кунларда 500 га яқин ректор, илмий жамоатчилик вакиллари ва профессор-ўқитувчилар иштирок этаётган Франция — Ўзбекистон университетлари II форумига жамоатчилик, мамлакатимиз илмий доиралари катта эътибор қаратмоқда.

Давоми 5-бетда



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ РАСМИЙ ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЁНДАШУВЛАРИ

Самарқанд шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми ўз ишини бошлади.

Ушбу нуфузли халқаро анжумани ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилганди.

Мазкур ташаббус асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкилотчилигида ўтказилаётган форум БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссия Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи офиси, Европа Кенгаши, Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давоми 2-бетда

